

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 111 (111), 2020 йил 19 июнь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



Жараён

ТАДБИРКОР ИСЛОҲОТЧИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ, МУҲИТ ЎЗГАРАДИ

Фарғонада тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш ишлари бошланди

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда сўнги йилларда катта шаҳарлардан тортиб, энг чекка туман, қишлоқларгача ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг ўзига хос аниқ ва самарали тизими яратилди. Натижада ҳар бир ҳудудда ўзининг илғор ғоялари, фаол ташаббуси ҳамда замонавий ёндашуви асосида тадбиркорликка қўл ураётган инсонлар сони ортиб бормоқда.

Кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишлаб, бирор тармоқнинг тараққий этиши, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган ишбилармонлар бугун чин маънода жамиятнинг ислохотчи, ташаббускор кишиларига айланмоқда.

Президентимиз Фарғонага ташрифи чоғида вилоятда "Тадбиркор — ислохотчи" ташаббусини амалга ошириш таклифини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари соҳа вакилларининг фаолиятига тўққинлик қилаётган муаммолар изчил ўрганилиб, йил якуни бўйича "Фарғона

тадбиркорлари — ислохотчи" тажрибаси давомида эришилган натижаларни бошқа вилоятларда ҳам татбиқ этиш кераклигини таъкидлади.

Айни пайтда Бизнес омбулсман, Савдо-саноат палатаси, Бош вазир қабулхонаси ва вилоятнинг мутасадди ташкилот-идоралари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ Фарғона вилоятидаги шаҳар ва туманларда тадбиркорлар билан учрашувларни бошлаб юборди. Ишчи гуруҳ вакиллари уч ой давомида вилоятда бўлиб, ҳар бир тадбиркорнинг муҳим муаммоларини тинглайди, уларга қонуний қарорларни кучайтириш бўйича тавсиялар беради.

▶ Давоми 2-бетда

Халқ қабулхоналари

МУАММОНИНГ МАЙДАСИ БЎЛМАЙДИ

Сайёр қабулдан ҳеч ким норози бўлиб кетмади

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Пандемия туфайли қўлаб тадбирлар масофавий тарзда ўтказилиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо юзма-юз ўтказиладиган қабулларга, суҳбатларга не етсин! Қабул ўтказиётган масъул шахс муҳим муаммоларни ҳақиқатан ҳам ҳал қилишга қўлдан келганини аниқлаш ва уларнинг ҳал қилинишидан унинг дардини англайди.



▶ Давоми 2-бетда

"ОҚ КЕМА" — ОППОҚ ОРЗУЛАР РЎЁБИ



Ботир ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

2016 йилнинг май ойи бошларида, баҳор фасли ўрнини жазирама ёзга бўшатаётган пайтда бир гуруҳ ижодкорлар хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикасига бордик. Маънавий-маърифий тарғибот руҳидаги тадбирларни Нукус шаҳридан бошлаб, бирин-кетин қолган барча туманларда бўлдик. Аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишдик, суҳбатлашдик, одамларнинг орзу-истакларини тингладик.

Оролбўйи ҳудудларига, хусусан, Мўйноқ туманига борганимизда, у ердаги танг шароит ҳамда одамларнинг минг машаққатлар ичида яшаётганини кўриб, очиги, кўнгилмиз алланечук бузилган, оғир сукутга чўмгандик... Туз уюмлари дастидан ҳаммаёқ худди қиров тушгандек оппоқ, дов-дарактлар қуриган, гуллар ва ўт-ўланлар қовжираб ётарди.



Сувсизликдан халқнинг тинка-мадори қуриб, она табиат аста-секин тузга ботиб борар, уйлар, ҳовлилар атрофини ўраб турган деворлар, асфальт йўللар, кўчаларнинг икки томонида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қўйинки, у ердаги барча бино-иншоотлар нураб, тўкилиб тушишига яқин қолганди.

Айниқса, мактабларга кирганимизда, у ерда таълим олаётган болаларнинг кўзидagi умидсизлик, сўлгинликни, ўқитувчилар, ота-оналар нигоҳидаги оғриқли саволларни илғаб, узоқ вақт қалбимиз тирналиб юргани бор гап. Уша лаҳзада мўйноқлик болаларни беихтиёр фарзандларим билан солишти-

гандим. Одамзод дунёга бир марта келади. Булар ҳам менинг фарзандларим сингари болаликнинг қувноқ ва беғубор онларидан тўла баҳра олиши, гўзал шарт-шароитларда ўқиб-ўрганиб, замонавий оромгоҳларда, соя-салқин гўшаларда мириқиб дам олгиси келади. Ахир болалик кўз юмиб-очгунча тез ўтиб кетадиган ганимат давр бўлса. "Болаларнинг шу қисқасига, бошқа тақдорлардан майдиган ажиб паллалари увол бўлаётгани нақадар аянчли", дея ич-ичимдан эзилгандим ўшанда.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.



Хуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.



ҚАРОРГА МУВОФИҚ, 2020 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ ЭКСПЕРИМЕНТ ТАРИҚАСИДА:


● Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари ташкил этилади.

● Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги муҳим ҳужжатларни апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиши тартиби ўрнатилади.

Қарорга мувофиқ, низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази ҳамда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг асосий вазифалари:

- медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;
- медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;
- медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификат берилади;
- медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувиغا қўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритади.

